

**«Выгодная инвестиция»,
«Выгодная инвестиция 2» ва «Выгодная
инвестиция (Elektro)» маҳсулотлари бўйича
Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун
микрокредит тақдим этиш тўғрисидаги
шартномага Илова**

**«Выгодная инвестиция»,
«Выгодная инвестиция 2» ва «Выгодная
инвестиция (Elektro)» маҳсулотлари бўйича
Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун
микрокредит тақдим этиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун микрокредит тақдим этишнинг мазкур Қоидалари (бундан кейин – “Қоидалар”) “Капиталбанк” АТБ (бундан кейин – “Банк”) ҳамда ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтган шахс (кейинги ўринларда – “Қарз олувчи”) ўртасида тузилган «Выгодная инвестиция», «Выгодная инвестиция 2» ва «Выгодная инвестиция (Elektro)» маҳсулотлари бўйича ўзини-ўзи банд қилган шахсларга микрокредит тақдим этиш тўғрисида” шартноманинг (кейинги ўринларда – “Шартнома”) ажралмас қисми ҳисобланади.

Мазкур Қоидалар Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги Низомга (рўйх. рақам: Ўз.Р. Адлия Вазирлигида 02.07.2018 йил 3030-сонли), Банкнинг Кредит сиёсати мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Банк томонидан ўзини ўзи банд қилувчиларга микрокредит тақдим этиш тартибини белгилайди.

1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилади:

Амалдаги қонунчилик – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан, қонунлар, қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлар, хатлар), ратификация қилинган халқаро шартномалар ва келишувлар;

Банк амалиёт кўни – Банк ҳисоб-китоб операцияларини ўтказадиган ва миқдорларга хизмат кўрсатадиган очиқ балансли иш кўнлари;

Микрокредит/Кредит – Қарз олувчига мазкур Қоидалар ва Шартнома шартларига мувофиқ Қарз олувчига тақдим этиладиган пул маблағлари.

1.2. Қолган атама ва таърифлар Шартномада белгиланган.

1.3. Мазкур Қоидаларда ва Шартномада белгиланмаган атамалар ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, Кредит сиёсатида ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган мазмунда иборанинг матнидан келиб чиқиб, уларнинг тўғридан-тўғри маъноси ҳамда талқини бўйича қўлланилади.

2. КРЕДИТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг 1-Иловасида назарда тутилган кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни сўндириш санаси Банк амалиёт кўни бўлиб ҳисобланмаса, кредитни сўндириш кейинги Банк амалиёт кўнига кўчирилади. Бунда тўлов суммаси ўзгаради (дам олиш/байрам кўнларида ҳисобланган фоизлар тўлов суммасига қўшилади ва кейинги тўловдан чегириб ташланади).

2.2. Агар Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарзни Шартноманинг 1-Иловасида назарда тутилган санада қайтармаса, Қарз олувчи Банкка қарздорлик кечиктирилган ҳар бир кун учун Шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган юқори фоиз ставкасида фоизлар тўлайди.

2.3. Шартнома бўйича келиб тушган пул маблағлари ва/ёки Қарз олувчининг Банкдаги ва/ёки бошқа банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидаги пул маблағлари Шартнома бўйича мажбуриятларни сўндиришга Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда йўналтирилади.

2.4. Кредит Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга (рўйх.: Адлия Вазирлиги 14.07.2015 й, 2696-сон) мувофиқ “умидсиз” деб таснифланганидан ва кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилганидан сўнг барча кейинги тўловлар ҳисобланган, бироқ олинмаган фоизларни қоплашга, кейин эса асосий қарзни қоплашга йўналтирилади.

Шартнома шартларидан келиб чиқадиган бошқа тўловларни сўндириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

2.5. Микрокредит бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш Банк томонидан Қарз олувчининг аризасини, Банкнинг фармойишларини ижро қилиш орқали ва/ёки Қарз олувчининг кредитни сўндириш учун Банкда очилган махсус ҳисобварағидан маблағларни Банк томонидан мустақил равишда мемориал ордерлар билан акцептсиз ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади. Шу билан бирга, Банк Қарз олувчининг исталган банкдаги депозит ҳисобварақларидан, шунингдек, Қарз олувчининг исталган банкдаги исталган пластик карталаридан маблағларни ечиб олиш ҳуқуқига эга ва бунга Қарз олувчи ўзининг чақириб олинмайдиган ва сўзсиз (мутлақ) ҳуқуқини тақдим этади.

2.6. Қарздорликни сўндириш, қоида тариқасида, Шартнома бўйича тўловларни тўлаш учун Банкда очилган махсус ҳисобвараққа Қарз олувчи ва ёки учинчи шахс томонидан пул маблағларини кирим қилиш орқали амалга оширилади. Ушбу ҳисобварақ орқали асосий қарздорликни сўндириш Банк томонидан мустақил равишда Шартномага асосан берилган Кредит ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисобварағига, ҳисобланган фоизларни сўндириш эса шартнома доирасида микрокредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобвараққа амалга оширилади. Бунда, пул маблағларининг юқоридаги ҳисобвараққа кирим қилинганлиги қарздорликни муддатидан олдин сўндириш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Микрокредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин сўндириш Банкнинг мобил иловаси орқали “Муддатидан олдин сўндириш” функционалидан фойдаланган ҳолда тўлов қилиш орқали ёки Банкка қарздорликни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида ариза тақдим қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Маблағларни кўрсатиб ўтилган ҳисобварақларга сўндириш учун махсус ҳисобварақдан ечиб олинган сана микрокредит бўйича асосий қарздорлик ва фоизлар сўндирилган сана бўлиб ҳисобланади.

2.7. Кредит, фоизлар ва шартнома бўйича бошқа тўловлар Қарз олувчи/учинчи шахс ва унинг ишончли вакили томонидан Банкнинг ҳар қандай офисларида, шунингдек, ўзининг талаб қилиб олингунча ва/ёки кредитни сўндириш бўйича ҳисобварағини Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидан пул маблағларини ўтказиш, “Капиталбанк” АТБнинг тўлов терминаллари (инфокиосклар) орқали ёки мобил иловалардан («Uzum Bank»), «Капиталбанк», «Рауме» ва бошқ.) фойдаланган ҳолда ёхуд “Капиталбанк” АТБ расмий сайти орқали тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Қарз олувчи ёки унинг ишончли вакили кредит бўйича тўловни амалга ошириш учун мобил илова ёхуд тўлов терминалида (инфокиоск) реквизитларни тўлдираётганларида тегишли қаторга “кредит коди”ни теришлари лозим. Қарз олувчи “кредит коди”ни кредит расмийлаштириш жараёнида ҳам, ундан кейин ҳам хоҳлаган Банк офисларида билиб олиши мумкин.

3. КРЕДИТНИНГ ҚИЙМАТИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарганида ёки капитал бозоридаги манбаалар (ресурслар) учун тўловлар кўтарилганида/пасайганида Шартномада кўрсатилган кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланадиган фоизлар миқдори Тарафлар томонидан уларнинг ўзаро розилиги асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда Тарафларнинг ўзаро розилиги мазкур шартномага қўшимча келишув орқали тасдиқланиши лозим.

3.2. Кредит бўйича асосий қарздорликнинг қолдиқ суммасига фоизлар ҳар куни иш кунининг охирида бир йилда 365 кун ҳисобидан ва ҳар ойдаги ҳақиқий кунлар миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблаб борилади (фоиз ставкаси 0% га тенг ҳолатлар бундан мустасно). Фоизларни ҳисоблаш кредит берилган дастлабки кундан бошлаб бошланади.

3.3. Шартноманинг 4.1 банди 3-хатбошиси (“б”) га мувофиқ Банк томонидан олинандиган мукофот суммаси микрокредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблашда инobatга олинади. Мукофотнинг ҳисобга олиниши, Ўзбекистон Республикасининг фоизларни ҳисобга олиш тартибини тартибга солувчи тегишли қонунчилиги талабларига мувофиқ, Мижознинг фоиз ҳисобварағида фоизларни ҳисоблаш ва ушбу фоизларни дарҳол олинган мукофот ҳисобидан қоплаш орқали амалга оширилади. Кўрсатилган мукофот миқдори, кредит тўловларини амалга ошириш муддатларидан қатъи назар тўлиғича ҳисобланиши ва қопланиши шарт. Фоизларни ҳисоблаш ва қоплаш муддатлари Банк томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

3.4. Кредитнинг тўлиқ қиймати (КТҚ) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ва қуйидагиларни ўз ичига олади (КТҚ ҳисоб-китобига қуйидаги тўловларнинг барчаси ёки алоҳида турлари киритилиши мумкин):

3.4.1. Қарз олувчининг нинг асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлари (фоиз ставкаси нолга тенг бўлган кредитлар бундан мустасно);

3.4.2. ташкилот-ҳамкордан олинган ва тегишли тартибда Қарз олувчининг фоиз ҳисобварағида ҳисоблаш орқали тан олинандиган ва ушбу фоизларни қоплашга йўналтириладиган мукофот суммаси;

3.4.3. Қарз олувчининг кредит қайтмаслик хатарини суғурта қилиш учун суғурта ташкилоти фойдасига қиладиган тўловлари;

3.4.4. Қарз олувчининг суғурта ташкилоти фойдасига қиладиган тўловлари, агар Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта шартномаси бўйича наф олувчи Банк бўлганда;

3.4.5. Гаров шартномаси бўйича мижознинг шартнома бўйича мажбуриятларини таъминлайдиган ҳамда гаровга берувчининг фойдаланишида қолдириладиган гаров предмети суғурта қилинганда, Қарз олувчининг нинг суғурта ташкилотлари фойдасига қиладиган тўловлари;

3.4.5. Қарз олувчининг кафолат берувчига (кафилга) кафолат (кафиллик) олинганлиги учун, шунингдек, баҳоловчига гаровга берилаётган мулкни баҳолаганлик учун қиладиган тўловлари;

3.4.6. Қарз олувчининг нинг гаров объектини баҳолаш ва гаровни нотариал расмийлаштириш учун қиладиган тўловлари;

3.4.7 Мижозларни жалб қилиш, улар томонидан кредит (микрокредит) олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш, ушбу ҳужжатларни банкка топшириш бўйича банкка хизмат кўрсатадиган ташкилотлар (воситачилар) ҳисобига Қарз олувчининг амалга оширадиган тўловлари.

4. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШИНING ТАЪМИНОТИ

4.1. Қарз олувчи томонидан Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоиз ва/ёки бошқа ҳар қандай тўловларни Шартномада ўрнатилган муддатларда тўлай олмаслик ҳолатлари юзага келганида ва/ёки Шартнома бўйича бошқа мажбуриятлар бузилганида, Қарз олувчи/биргаликда Қарз олувчи Банка ундирувни гаров Предмети(лари)га ва/ёки у(лар)нинг бир қисмига қаратишга ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қарздорликни Шартномада кўрсатиб ўтилган Кафилдан/Суғурталовчидан ундиришга мутлақ ҳуқуқ беради.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Кредитлаш жараёнида Банк Қарз олувчининг молиявий ҳолатини, кредитнинг мақсадли ишлатилишини (мақсадли кредитлар тақдим этилганда), кредит таъминотини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширувларнинг даврийлиги Банк томонидан белгиланади.

5.2. Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан тўлов амалга ошириш учун тўлов хужжатлари мазкур шартнома шартларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид равишда расмийлаштирилган бўлса, Банк Қарз олувчига ссуда ҳисобварағидан тўлов амалга оширилишини рад қилиш ҳуқуқига эга.

5.3. Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни қайтариш муддати келганида, Банк Қарз олувчининг Банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан, агар бундай ҳисобварақлар бўлмаса, бошқа барча ҳисобварақларидан, шу жумладан, бошқа банкдаги барча ҳисобварақларидан пул маблағларини кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш мақсадида низосиз ва акцептсиз тартибда ечиб олишда чақириб олинмайдиган ва сўзсиз мутлақ ҳуқуққа эга бўлади.

5.4. Мазкур Қоидаларнинг 5.4.1. кичик бандида келтирилган ҳолатлар юза келганда, Банк қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли:

* кредитнинг бутун суммасини, шу жумладан муддати ўтган ва муддати келмаган (ўтмаган) қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;

* тўловлар муддати келишидан қатъи назар, кредит бўйича тўлиқ қарздорликни мажбурий ундириш жараёнини бошлаш;

* Қарз олувчини ни бу ҳақида амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда огоҳлантириб, Шартнома бўйича кредит беришни муддатидан олдин бир томонлама тўхтатиш (кредит қисман тақдим этилган бўлса) ва/ёки кредитни муддатидан олдин сўндиришга қаратиш (Кредит бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ қайтарилишини талаб қилиш). Ёзма огоҳлантириш санаси бўлиб, Қарз олувчига/Гаровга қўювчига/Суғурталовчига топширилган сана ёки почта жўнатмаси юборилган сана ҳисобланади;

* Кредит бўйича муддати ўтган ва тўлиқ қарздорликни суд органлари орқали, шу жумладан суд буйруғини олиш орқали, шу жумладан ундирувни гаров нарсасига (нарсаларига) ёки унинг (уларнинг) қисмига (қисмларига) қаратиш ва/ёки қарздорликни Кафилдан/Гаровга қўювчидан/Суғурталовчидан ундириш;

• Кредит бўйича муддати ўтган ва тўлиқ қарздорликни нотариал идоралар орқали ижро ҳати олиш йўли билан ундириш;

• Кредит бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шартнома бўйича мажбуриятларни мажбурий ижро қилдириш бўйича суд жараёнини ўзнинг мутлақ ихтиёрига кўра бошлаб юбориш;

• Шартнома бўйича янги суммаларни ва/ёки янги кредитлар беришни тўхтатиш;

• Қарз олувчининг ҳар қандай Банкда очилган ҳар қандай ҳисобварағидан, шу жумладан ҳар қандай банк карталаридан пул маблағларини низосиз ва акцептсиз тартибда мазкур шартнома шартларидан келиб чиққан кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни сўндиришга йўналтириш учун ундириб олиш (ҳисобдан чиқариш).

5.4.1 Қуйидаги ҳолатларнинг юзага келиши, Банкка мазкур Қоидаларнинг 5.4 бандида келтирилган ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқини беради:

- Қарз олувчи томонидан микрокредит бўйича ҳар қандай қарздорликни (асосий қарз, фоизлар, жарималар, воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар) сўндириш бўйича мажбуриятлар ёки Банк олдидаги бошқа бирор мажбурият бажарилмаганида, ушбу микрокредит ва/ёки олдин олинган кредитлар (қарзлар) бўйича муддати ўтган тўланмаган қарздорлик мавжуд бўлганда;

- Қарз олувчи томонидан микрокредит бўйича 3 кундан ортиқ муддати ўтган қарздорликка (асосий қарз, фоизлар, жарималар, воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар) 2 мартаба кетма-кет йўл қўйилганида;

- Қарз олувчи томонидан микрокредит бўйича 3 кундан ортиқ муддати ўтган қарздорликка (асосий қарз, фоизлар, жарималар, воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар) 3 мартаба йўл қўйилганида;

- Қарз олувчи томонидан микрокредит бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келганлиги учун Банк томонидан 3 мартаба жарима қўлланилишига йўл қўйилганда;

- Қарз олувчи томонидан мазкур шартнома, гаров шартномаси, суғурта шартномаси, кредит таъминотига тегишли бошқа шартномалар, шунингдек Банк билан тузилган бошқа шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилганида ва/ёки бажарилмаганида ва/ёки лозим даражада бажарилмаганида;

- Қарз олувчининг нинг молиявий ҳолати ёмонлашганда, шунингдек, даромад манбаи бўлмаганида;

- Қарз олувчи томонидан ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар тақдим қилинганда ёхуд Банк томонидан шу жумладан, кредитни, Қарз олувчининг нинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиш учун сўралган маълумотларни тақдим қилиш рад қилинганда;

- гаров предмет(лар)ининг ва/ёки у(лар)нинг бир қисми нобуд қилинганда, қиймати пасайганида, қисман ёки тўлиқ йўқотилганида;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Гаровга қўювчи/Кафил/Суғурталовчи банкрот деб эълон қилинганда;

- Қарз олувчининг бошқа кредиторлар олдидаги бирор-бир қарзини қайтариш эълон қилинганда ёки бошқа асосга кўра дастлабки қайтариш муддатидан олдин қайтарилиши лозим бўлганида;

- учинчи шахслар томонидан Қарз олувчининг нинг мулкига ундирув қаратилганида ёки ушбу мулкка банд солинганда;

- Қарз олувчи банк назоратидан бош тортганида;

- Кредит бўйича қарздорликнинг таъминотсиз қисми пайдо бўлганида;

- Банкнинг фикрига кўра кредит бўйича тўлов мажбуриятларининг бажарилишига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳодислар келиб чиққанида ва/ёки кредитни қайтмаслик хавфини оширувчи бирор-бир ҳолатлар пайдо бўлганида;

- Банк/банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативлар бажарилмаганида;

- Қарз олувчига га нисбатан жиноят иши ёки суд иши кўзғатилганида ва/ёки қарздорликни қоплаш таъминоти ҳисобланган Мижознинг мулкига банд солинганда ёки Қарз олувчининг нинг пул маблағлари ёхуд бошқа мол-мулки билан боғлиқ операцияларни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ва/ёки тўхтатиш ҳоллари мавжуд бўлганида;

- Шартномани тузишдан ва ундан фойдаланишдан мақсад жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўлиши мумкинлиги ҳақида шубҳа мавжуд бўлса;

- Учинчи шахслар томонидан пул маблағи ундириш ва/ёки Қарз олувчи нинг мулкни талаб қилиб олиш ва/ёки банд солиш тўғрисида даъво киритилган ва мазкур даъвонинг миқдори Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини хавф остига қўйганида.

5.5. Банк Шартномада кўрсатилган ҳуқуқ/талаблардан хоҳлаганини ўз хоҳишига кўра қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқ/талабларни қўлламаслик ёки қисман қўллаш улардан воз кечилганлигини англамайди ва бу ҳуқуқ/талаблар Шартнома амалда бўлган муддатда исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

5.6. Шартнома тузилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида Қарз олувчи томонидан кредитдан фойдаланилмаганида, Банк Қарз олувчини шартномани бир томонлама бекор қилиш режалаштирилаётган санадан 3 (уч) календар кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ёзма огоҳлантириш топширилган ёки почта жўнатмаси юборилган сана ёзма огоҳлантириш юборилган сана бўлиб ҳисобланади. Шартнома ёзма огоҳлантириш юборилган санадан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

5.7. Тарафлар тегишли келишув билан расмийлаштирилган ёзма розиликсиз Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

5.8. Кредит эвазига олинган товар (хизмат)нинг Қарз олувчи томонидан қайтарилиши натижасида Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига/банк картасига/ссуда ҳисобварағига келиб тушган пул маблағлари Шартнома бўйича қайтариб берилган фойдаланилмаган кредит маблағи сифатида Банк томонидан мустақил равишда кредит бўйича асосий қарздорликни сўндиришга йўналтирилади.

5.9 Банк Қарз олувчи билан боғланиш ҳамда уларга алоқа воситалари ёрдамида ва Шартноманинг якуний 7-бўлимида ҳамда кредит олиш учун Қарз олувчи томонидан Банкка тақдим қилинган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган манзилга (телефонига), шунингдек, Қарз олувчидан дан олинган алоқа маълумотларига, шу жумладан, телефон алоқаси воситасида, телефон рақамига SMS –хабарнома жўнатиш йўли билан, почта хизмати орқали рўйхатдан ўтган/ҳақиқатдан яшаш манзилига, электрон почта ёки бошқа ҳар қандай алоқа воситалари орқали, шунингдек, Қарз олувчининг рўйхатдан ўтган/ҳақиқатдан яшаш манзилига/иш жойига бориш орқали билдиришнома ва хабарнома юбориш ҳуқуқига эга. Хабар бериш усули Банк томонидан мустақил танланади.

5.10 Қарз олувчи Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган алоқа воситалари ва манзиллар (телефонлар), улар орқали Қарз олувчи билан алоқа ўрнатиш имкониятини таъминловчи Қарз олувчи билан келишилган қайта алоқа воситалари эканлигини тасдиқлайди.

5.11 Банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сонли Қарорига мувофиқ Қарз олувчи дан кредит суммасини, бошқа тўловларни нотариал тасдиқланган ижро хатига асосан ундириш ҳуқуқига эга.

5.12 Агар, Қарз олувчига товар ва/ёки хизматлар сотиб олиш мақсадида ажратилган микрокредит суммаси сотувчи/ишлаб чиқарувчининг ҳисобварағига ўтказиб берилган бўлса, аммо сотувчи/ишлаб чиқарувчи томонидан, шу жумладан Қарз олувчининг ташаббуси билан, товар ва/ёки хизматларни тақдим этиш бекор бўлганлиги Банкка маълум бўлиб қолса, ва микрокредит бўйича пул маблағлари сотувчи/ишлаб чиқарувчи томонидан Банкка/Қарз олувчининг ҳисобварағига қайтарилган бўлса, Банк қайтарилган пул маблағларини, Қарз олувчининг қўшимча розилигини олиш заруратисиз, Қарз олувчининг Шартнома бўйича мажбуриятларини муддатидан олдин сўндиришга йўналтиришга ҳақли.

5.13 Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда Банк ўз хоҳишига кўра:

- кредитнинг тўлиқ суммасини, шу жумладан муддати ўтган ва/ёки муддати ўтмаган қисмини суд тартибида муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилиш (кредитнинг муддати ўтган қисмини ундириш бўйича судга дастлабки мурожаат қилиш заруратисиз);

- тўлов муддатларидан қатъи назар, кредит бўйича тўлиқ қарздорликни мажбурий ундириш жараёнини бошлаш.

5.14 Томонлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 746¹ - моддасининг қарзни босқичма-босқич ундирилиши бўйича меъёрлари мазкур Шартномага нисбатан қўлланилмаслиги бўйича келишиб олдилар.

6. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Банкнинг мажбуриятлари:

6.1.1. Қарз олувчига Шартномада кўрсатилган шартларда кредит маблағлари ажратиш;

6.1.2. Кредитнинг фойдаланилган қисмига Шартнома шартларига мувофиқ фоизлар ҳисоблаб бориш;

6.1.3. Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида Қарз олувчи билан Шартномада келишилган ҳар қандай алоқа усулларида фойдаланиб Қарз олувчига қарздорликни ундириш кераклиги ҳамда кредит бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари ҳақида ўрнатилган шаклда хабар бериш. Хабарномани қўлга топшириш ҳамда у ҳақида телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилиш маҳаллий вақт билан соат 8:00 дан 20:00 гача амалга оширилади;

6.1.4. Қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда:

- гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;

- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни

гаров реестридан чиқариш чораларини кўриш;

6.1.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда Қарз олувчининг нинг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича Қарз олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш;

6.1.6. Қарз олувчининг нинг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида Қарз олувчига ушбу шартнома бўйича кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш..

7. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Қарз олувчи жарима санкцияларисиз исталган вақтда кредитни шартномада ўрнатилган муддатлардан олдин сўндириш ҳуқуқига эга. Кредитни қайтаришнинг ануитет графиги бўйича асосий қарздорлик қисман сўндирилганда, кейинги графикни ўзгартириш кредит қайтарилишининг оралик даврийлиги ва охириги тўлов муддати сақланган ҳолда ҳар ойлик ануитет тўловнинг миқдорини камайтириш ҳамда Шартноманинг тўлов графигини ўзгартириш ҳақида қўшимча келишув тузиш йўли билан ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади.

7.2. Микрокредит тақдим этилмагунча микрокредит олишдан бепул асосда воз кечиш.

7.3. Микрокредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг депозитидаги (омонатидagi, агар у мавжуд бўлса) маблағларини депозит (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, микрокредитни (қарзни) қайтариш учун йўналтириш. Бунда, қарз олувчи микрокредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозитидаги (омонатидagi) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредитни (қарзни) қайтариш учун йўналтирмақчи бўлса, у бу ҳақда банкни (депозитни) омонатни қайтаришни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

8. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

8.1.1. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойилларига: муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганликка риоя қилиш;

8.1.2. Шартнома шартларидан келиб чиқадиган Кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни Шартномада белгиланган муддатларда қайтариш. Қарз олувчи Шартнома бўйича мажбуриятларини сўндириш учун Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда пул маблағларини таъминлаши шарт;

8.1.3. Мазкур шартнома бўйича Қарз олувчининг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келувчи ва Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик хавфини келтириб чиқарувчи бирор-бир мажбуриятларни ўз бўйинига олмаслик ҳамда чораларни кўрмаслик;

8.1.4. Банкнинг назорат функцияларини амалга ошириши учун:

- Банк, унинг ходимлари ва ҳуқуқий ворисларига микрокредит олиш учун Қарз олувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни хоҳлаган маълумотлар манбаасидан, шу жумладан иш, яшаш жойига бориб текшириш ва қайта текширишга имконият яратиб бериш.;

- Қарз олувчининг жорий тўловга қобилиятлилигини таҳлил қилиш мақсадида бир йилда камида 1 маротаба Қарз олувчининг даромадларини тасдиқловчи ҳужжатларни/маълумотни тақдим этиш;

- Банк томонидан лойиҳани мониторинг қилиш ва Гаров предметининг мавжудлигини, сақлаш шароитларини текшириш учун ҳамма шароитларни яратиб бериш ва бунга қаршилиқ қилмаслик, Гаров предмети бўйича Банк талаб қилган барча маълумотларни тегишли сўров юборилган санадан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида Банкка тақдим қилиши шарт. Ёзма сўров Қарз олувчига топширилган сана ёки почта жўнатмасининг санаси ушбу сўров юборилган сана бўлиб ҳисобланади;

- Шартнома доирасида ажратиладиган кредит бўйича унинг мақсадли ишлатилганлиги, Гаров нарчасини кўздан кечириш, мониторинг далолатномаларини ўз вақтида имзолаш;

- Банкнинг ёзма сўровига асосан ушбу сўров юборилган санадан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида шахсий маълумотларини, таржима ҳоли ёки бошқа маълумотларни Банкка тақдим қилиш. Ёзма сўров Қарздорга топширилган сана ёки почта жўнатмасининг санаси ушбу сўров юборилган сана бўлиб ҳисобланади;

8.1.5. Шартноманинг 5.1-бандига мувофиқ ва ушбу бандда кўрсатилган муддатларда тегишли шартномалар/ҳужжатларни тузиш/имзолаш/расмийлаштириш;

8.1.6. Қуйидаги ҳолларда Банкнинг биринчи талаби билан қўшимча таъминот тақдим қилиш:

- Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганида;

- Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган гаров предмет(лар)и ва/ёки у(лар)нинг бир қисм(лар)и нобуд бўлганида, қиймати пасайганида, тўлиқ ёки қисман йўқотилганида;

- Қарз олувчи амалдаги қонунчиликка асосан Банк билан алоқадор шахсга айланишига олиб келувчи вазият юзага келганида. Бунда кредит бўйича таъминот Банкни қаноатлантирадиган мол-мулк гарови кўринишида бўлиши ва кредит бўйича асосий қарздорлик қолдиғининг камида 130% ни ташкил қилиши шарт;

- Кредитнинг қайтмаслик хавфини оширувчи бошқа омиллар юзага келганида;

8.1.7. Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарздорлик, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш муддати келганида Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварағидан, шу жумладан, Қарз олувчининг бошқа банклардаги ҳисобварақларидан, шу жумладан, ҳар қандай банк карталаридан пул маблағларини

Шартномада назарда тутилган навбат тартибида акцептсиз, мутлақ, сўссиз ва низосиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини бериш ва беради;

8.1.8. Банкнинг талаби билан Банк қилган барча харажатларни ва кўрган барча зарарларни, шу жумладан, Шартнома доирасида кредит қарздорлигини (асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш чораларини кўрганлиги билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва кўрган барча зарарларни қоплаб бериш.

8.1.9. Микрокредит олиш учун таъқдим этилган маълумотларнинг ўзгарганлиги, шунингдек, Қарз олувчининг паспорт маълумотларидаги, фаолият тури, рўйхатдан ўтган, амалдаги яшаш жойи мазилидаги, фамилиясидаги, исмидаги, отасининг исмидаги ўзгаришлар ва/ёки шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятларини бажаришига таъсир қиладиган бошқа ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календар кун ичида Банкни хабардор қилиш ва зарур бўлганда Банк билан қўшимча келишув тузиш.

8.1.10. Банкнинг ушбу шартномада ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслик;

8.1.11. Банкнинг ёзма розилигисиз Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман учинчи шахсларга ўтказмаслик.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Қарз олувчи томонидан гаров, суғурта шартномаси ва Гаров предметини суғурта полиси ва/ёки кафиллик шартномалари Шартноманинг 5.1-бандида назарда тутилган муддатларда ва шартларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганида ва/ёки тақдим этилмаганида, Банк ҳар бир кечиктирилган кун учун муддатида расмийлаштирилмаган таъминот суммасининг 0,1 % миқдоридан, бироқ, муддатида расмийлаштирилмаган таъминот суммасининг 10% дан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

Ушбу орқали Қарз олувчи, ҳисобланган ҳар қандай пеня суммасини ўзининг Банкдаги ва бошқа тижорат банкларидаги ҳар қандай ҳисобварағидан Банкнинг акцептсиз ва низосиз тартибда ечиб олиш ҳуқуқини тан олади ва Банкка шундай ҳуқуқни беради.

9.2. Шартномага асосан кредит маблағларини ажратиш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Қарз олувчи Банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун ажратилмаган кредит маблағлари суммасининг 0,1 % миқдоридан, бироқ, ажратилмаган кредит маблағларининг 10 %идан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

9.3. Ушбу орқали Қарз олувчи микрокредит ҳисобидан қандайдир мулк сотиб олса, сотиб олинган мулк сифати, бутлиги ва қиймати бўйича ҳамда мулкни реализация қилувчи ташкилотни ўзи танлаганини тасдиқлайди ҳамда мазкур ташкилот томонидан олди-сотди (сотиб олиш) шартномасининг тузилиши ва унинг шартлари бажарилиши бўйича Банк жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9.4. Шу билан бирга Тарафлар короновирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ва (ёки) бошқа ҳар қандай эпидемия ва кассаликларнинг тарқалиши, шунингдек, пандемия муносабати билан жорий қилинадиган чеклов чоралари (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида карантин эълон қилиниши) Шартнома бўйича “енгиб бўлмас куч” (форс-мажор) деб эътироф этилмаслигини англайдилар ва шунга келишганлар ҳамда Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси, 3-қисмининг диспозитив норма эканлигини ҳисобга олган ҳолда унга мувофиқ енгиб бўлмас куч тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилишини истисно қиладилар. Мазкур банднинг қоидалари ҳатто давлат органлари томонидан Тарафларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажаришига Тарафлар олдиндан кўра олмайдиган ва/ёки оқилона чоралар орқали

олдини олиш мумкин бўлмаган чекловлар ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилинган тақдирда ҳам қўлланилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Низо келиб чиққан тақдирда, Банкнинг қайдлари ҳар икки тараф Шартномавий мажбуриятларининг устунроқ далили бўлиб ҳисобланади.

10.2. Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар келиб чиққан тақдирда, ҳар иккала Тараф ҳам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан иш кўрадилар.

10.3. Шартномада бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақатгина Тарафлар келишувига асосан қўшимча битим тарзида ёзма шаклда расмийлаштирилади. Мазкур Шартномага ҳар қандай қўчимча келишувлар Банкнинг руҳсатисиз тузилган ва келишувларда Банк ваколатли шахсининг имзоси ҳамда Банкнинг муҳри мавжуд бўлмаса мазкур келишувлар юридик кучга эга бўлмайди.

10.4. Кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш фақатгина Қарз олувчининг розилиги билан амалга оширилади. Кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш алоҳида келишув билан расмийлаштирилади.

10.5. Тарафлар низони судгача ҳал этишнинг ягона усули сифатида талабнома тартибини (ўз позициясини ва вазиятга ечим топиш бўйича таклифини баён қилган ҳолда хат алмашиш) тан олишади. Низони ҳал этишнинг талабнома юбориш тартиби мажбурий ҳисобланади.

10.6. Талабнома қуйидаги шартларни ўз ичига олиши лозим:

- банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;
- талабнома расмийлаштирилган санадаги Қарз олувчининг жорий қарзи миқдори ва таркиби;
- Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаган);
- талабномада кўрсатилган муддатгача Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;
- низони судгача ҳал этишнинг усуллари.

10.7. Банк талабномани Қарз олувчининг Шартноманинг якуний 7-бўлимида назарда тутилган почта ёзишмалари учун манзили бўйича етказиб беради.

10.8. Талабнома Қарздор томонидан талабномада белгиланган муддатда кўриб чиқиши керак. Мазкур муддат тугагандан сўнг Банк судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

10.9. Талабномани олмаслик хавфи Қарз олувчи зиммасида бўлади. Талабнома олинмаганда, Банк талабнома жўнатилган кундан бошлаб унда кўрсатилган муддат ичида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

10.10. Қарз олувчи вафот этган тақдирда унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ўрнатилган тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

10.11. Тарафлардан бирининг ҳуқуқий мақоми ўзгарган тақдирда, ҳуқуқий мақоми ўзгарган тараф ушбу ўзгаришлар содир бўлгунига қадар мазкур шартнома бўйича иккинчи тараф олдидаги мажбуриятларини бажариши ёхуд уларни бажаришни иккинчи тарафнинг ёзма розилиги билан ўзининг ҳуқуқий ворисига юклатиши шарт.

10.12. Қарз олувчи мазкур шартнома шартларига ўзининг ташаббуси билан киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар учун Банкнинг ваколатли органи томонидан мазкур ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган санадаги асосий қарздорлик қолдиқ суммасининг 0,5 % миқдорида, бироқ, қонунчиликда ўрнатилган БХМнинг 5 бараваридан

кўп бўлмаган миқдорда Банкка бир марталик воситачилик ҳақи тўлайди, мазкур Қоидаларнинг 10.13-кичик бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Ўзгартиришлар киритилганлиги учун воситачилик ҳақи Шартномага Кўшимча келишувлар тузилган санада тўланади.

10.13. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик хатарини келтириб чиқармайдиган ўзгартиришлар (фоиз ставкасининг оширилиши, реквизитлар, мулкчилик шакли ва б.ш. қисмига ўзгартиришлар киритиш), шунингдек, Кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин қисман сўндирилиши муносабати билан тўлов графигининг ҳар ойлик аннуитет тўловининг қайта ҳисобланган қисмига ўзгартиришлар киритиш Шартнома шартларига ўзгартириш киритилганлик учун бир марталик воситачилик ҳақи ундирилмасдан амалга оширилади.

10.14. Мазкур Қоидаларга ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритиш тартиби:

10.14.1. Мазкур Қоидалар Шартноманинг ажралмас қисми эканлигини ҳамда унинг шартлари барча Қарз олувчилар учун бир хил бўлиши лозимлигини (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Қарз олувчиларнинг алоҳида тоифасига имтиёзлар бериш назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) инобатга олиб, Қоидаларга ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, 1-бандига асосан фақатгина Банкнинг ташаббусига кўра киритилади.

10.14.2. Ушбу орқали Қарз олувчи ва биргаликда Қарз олувчи Банкка амалдаги қонунчилик нормаларининг ва/ёки банк хизматларини тақдим этиш технологиясининг ўзгарганлиги муносабати билан ва/ёки Банкнинг ўз хоҳишига кўра мазкур Қоидаларга бундай ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киришидан камида 10 (ўн) календар кун олдин уларни Банкнинг сайтига жойлаштириш ҳамда бу ҳақида Қарз олувчи га мазкур Қоидаларда кўрсатилган усуллардан бири орқали хабарнома юбориш йўли билан ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ҳуқуқини беради.

10.14.3. Қарз олувчи дан, уларнинг киритиладиган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалардан норозилиги тўғрисида ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга кирадиган санага қадар ёзма эътироз (ариза) олинмаган бўлса, ушбу ҳолат Қарз олувчи нинг киритиладиган ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларга сўзсиз ва тўлиқ розилигини (акцепти) билдиради, Қоидалар ва/ёки Шартнома Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ ўзгартирилган ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ Қоидаларга ва/ёки Шартномаларга ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги келишувнинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

10.15. Қарз олувчи Банк Шартномасида кўрсатилган алоқа воситалари ва манзиллардаги (телефонлар) маълумотлардан Банкнинг реклама-ахборот материалларини жўнатиш учун фойдаланиши мумкинлигини тасдиқлайди.

10.16. Мазкур Қоидалар Банкнинг сайтида <<https://2u.uz/kapitalbank/rules-for-profitable-investments-uz>> манзили бўйича жойлаштирилган. Қоидалар билан шунингдек, Шартноманинг биринчи бетидаги QR-кодни сканерлаш орқали танишиб чиқиш мумкин.